

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АДВОКАТ ИШТИРОК ЭТИШИ ШАРТ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Мухаммаджонова Гулѐрахон Дилшоджон қизи
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети,
юримдик факултети 4-босқич талабаси
E-mail: muxammadjonovagulyora7@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал конунида ҳимоя ҳуқуқи, унинг бегиланиши, юридик ёрдам олий ва кафолатлари, жиноят процессида ҳимоячи иштироки, ҳимоячи иштироки шарт булган будган ҳолатлар, унинг ҳуқуқий асослари, мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти, ҳимоя ҳуқуқини кафолатларини норматив-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириши юзасидан аниқ илмий асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилди.

***Калим сўзлар:** Жиноят процесси ҳимоя ҳуқуқи, адолатли одил судлов, биринчи инстансия, апелляция, кассация ва тафтиш инстансиялари судларида ҳимоя ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқий нормаларда ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш.*

CASES REQUIRING MANDATORY PARTICIPATION OF DEFENSE ATTORNEYS IN CRIMINAL PROCEEDINGS

Mukhammadjonova Gulyorakhon Dilshodjon kizi
4th-year Student, Faculty of Law
Samarkand State University named after Sharof Rashidov
E-mail: muxammadjonovagulyora7@gmail.com

ABSTRACT

In the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, the right to defense, its recognition, the guarantees of legal assistance, the participation of the defense attorney in criminal proceedings, the cases where the participation of a defense attorney is mandatory, its legal basis, essence, practical significance, and the normative-legal mechanisms for guaranteeing the right to defense have been studied. Scientifically grounded proposals and conclusions have been developed to improve these mechanisms.

***Keywords:** The right to defense in criminal proceedings, the principle of a fair trial, the exercise and protection of the right to defense in courts of first instance,*

appellate, cassation, and supervisory instances, as well as the guarantees of the right to defense under international legal norms.

СЛУЧАИ ОБЯЗАТЕЛЬНОГО УЧАСТИЯ АДВОКАТА В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Мухаммаджонова Гульёрахон Дильшоджон кизи

Самаркандский государственный университет имени Шарофа Рашидова

Юридический факультет, студентка 4 курса

E-mail: muxammadjonovagulyora7@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан исследованы право на защиту, его закрепление, гарантии получения квалифицированной юридической помощи, участие защитника в уголовном процессе, случаи обязательного участия защитника, их правовые основания, сущность и практическое значение. Разработаны конкретные научно обоснованные предложения и выводы по совершенствованию нормативно-правовых механизмов, обеспечивающих право на защиту.

Ключевые слова: *Право на защиту в уголовном процессе, справедливое судебное разбирательство, обеспечение права на защиту в судах первой инстанции, апелляционной, кассационной и надзорной инстанций, а также гарантирование права на защиту в нормах международного права.*

КИРИШ

Жиноят процессуал қонунида фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу процесснинг қонуний ва адолатли равишида олиб борилиши эса, аввало, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шу жиҳатдан адвокатнинг иштироки жиноят процессининг ажралмас қисми бўлиб, унинг мажбурий иштироки қонуний ҳимояни таъминлаш ва адолатли судловни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Адвокатларнинг ҳуқуқий ёрдами ва ҳимоя функцияси суд жараёнининг барча босқичларида, айниқса, қонунларда белгиланган айрим ҳолатларда, ҳимоячи қатнашиши шарт сифатида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ҳамда халқаро ҳуқуқий нормалар ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш ва адвокат иштирокини таъминлашга доир аниқ қоидаларни белгилаб беради. Шундай қилиб,

адвокатнинг мажбурий иштироки жиноят процессининг ишончлилиги, шаффофлиги ва инсон ҳуқуқларига риоя қилинишининг кафолатидир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Адвокатнинг жиноят процессида иштироки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимининг асосий жиҳатларидан бири сифатида кўрилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасида адвокатнинг мажбурий иштирокини белгилаб, айниқса, вояга етмаганлар, тилни билмайдиган шахслар ва ўта оғир жиноятлар ва бошқа ҳолатлар бўйича иш юритиш жараёнида унинг қатнашиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу норма ҳимоя ҳуқуқининг кафолатланишида муҳим восита бўлиб, судлов жараёнининг адолатли ва қонуний бўлишини таъминлайди.

Ҳуқуқшунос олимлар, жумладан, профессор А.Қодиров адвокат иштирокини “жиноят процессининг ҳақиқий ҳимоя механизми” деб баҳолаган, унинг мажбурий иштироки нафақат ҳимоя функциясини бажариш, балки суд жараёнининг ишончлилиги ва қонунийлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлайди ¹. Шу билан бирга, ҳуқуқшунос Ш.Расулов “адвокатнинг ўрни ва аҳамияти судловда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги энг муҳим кафолатлардан бири” эканлигини қайд этади². Уларнинг фикрича, адвокатнинг иштирок этмаслиги суд жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигига путур йетказиши мумкин.

Халқаро тажрибага назар соладиган бўлсак, халқаро ҳуқуқий нормалар (БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакти, Европа инсон ҳуқуқлари конвенцияси) адвокатнинг жиноят процессида иштирокини ҳимоя ҳуқуқининг асосий қисми сифатида белгилайди. БМТнинг 1979-йилдаги **“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакти”** адвокатлар фаолиятига доир тавсияларида адвокатларнинг мустақиллиги ва фаолиятининг самарадорлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтган³. Европа судлари адвокат иштирокини таъминламасликни инсон ҳуқуқларининг бузилиши сифатида баҳолайди. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал қонунчилиги халқаро стандартларга мос келади, хусусан Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддаси ҳимоя ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган аниқ талабларни ўз ичига олади. Аммо, айрим ҳудудларда амалиётда адвокат хизмати мурожаат қилишда қийинчиликлар, ресурслар йетишмаслиги, ва ҳуқуқий маданиятнинг

¹ <https://drive.google.com/file/d/16xGyXdcQT1pJv5Jwdr7XINjCfY5XZj/view>

² https://drive.google.com/file/d/1c7mB1qr5PBUWTgmROA9D-xfel0_PyAN/view

³ <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-civil-and-political-rights>

пастлиги туфайли халқаро стандартларнинг тўлиқ амалга оширилиши баъзан мураккаблик туғдиради.

Таҳлил қилишимиз зарур бўлган асосий масала адвокатнинг жиноят процессида иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар билан боғлиқдир. Шунинг учун бунга батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз. Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасига асосан, адвокат иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлардан бири вояга етмаганлар иши доирасида ҳисобланади⁴. Вояга етмаганларга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда ёки улар жабрланувчи, гувоҳ, ёхуд бошқа процессуал мақомда иштирок этаётган бўлса, адвокатнинг иштироки қонуний асосда шарт бўлиши керак, назаримизда. Бу ҳолат вояга етмаганлар билан жиноят-процессуал муносабатларда инсонпарварлик тамойилини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатлари билан кафолатлангандир.

Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлардан яна бири соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг ишидадир. Суд-ҳуқуқ тизимида соқовлар, карлар, кўрлар, шунингдек, жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил ҳимоя қила олмайдиган шахслар билан боғлиқ ишлар алоҳида эътибор талаб қилади. Бу тоифадаги шахслар одатда ахборотни тўлиқ англаш, ўз фикрини тўғри ифодалаш ёки процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Шу сабабли, бундай шахсларнинг иши бўйича адвокат иштироки қонуний жиҳатдан мажбурий ҳисобланади.

Судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича ҳам ҳимоячи иштирок этиш шартлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Адолатли судловнинг ажралмас қисми бу – ҳар бир шахснинг судда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қила олишидир. Судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахслар учун бу имконият жиддий чекланган бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, бу каби ҳолатларда суд ишининг ҳар бир босқичида таржимон иштироки таъминланиши билан бирга, адвокат иштироки ҳам зарур бўлади. Кўплаб хорижий давлатларнинг қонунчилигини ўрганганимизда, хусусан, Норвегия давлати “**Act relating to Legal Procedure in Criminal Cases**” кодексига суд тилини билмайдиган шахсларнинг таржимон хизматидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Шу билан бирга, ўз ҳуқуқини мустақил амалга ошира олмайдиган шахслар учун адвокат иштироки ҳам мажбурий ҳисобланади⁵.

⁴ Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son

⁵ <https://www.wipo.int/wipolex/en/legislation/details/18773>

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар бўйича иш юритилаётганда ҳимоячининг иштироки шарт ҳисобланади, чунки бундай оғир жазо шахснинг асосий ҳуқуқларига бевосита таъсир қилади. Ҳимоячининг иштироки адолатли судлов, процессуал тенглик ва ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шахс адвокатдан воз кечган тақдирда ҳам, давлат ҳисобидан ҳимоячи тайинланади. Бу талаб миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга, жумладан, БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактига асосланади. АҚШ давлати қонунчилигини ўрганганимизда ушбу давлат Конституциясининг 6-моддасига кўра, ҳар бир айбланувчига малакали ва самарали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлайди ва бундай тоифадаги ишларда адвокатнинг иштирок этиши шарт ҳисобланади. Бу ҳуқуқ, айниқса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш (life imprisonment) ёки ўлим жазоси билан боғлиқ жиноят ишларида ниҳоятда муҳим эканлиги белгилаб қўйилган⁶.

Шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан камида бири ҳимоячига эга бўлган жиноят ишлари бўйича, бошқа иштирокчиларнинг ҳам адвокат билан таъминланиши шарт ҳисобланади. Бу процессуал тенглик, адолатли судлов ва ҳар бир шахснинг ҳуқуқий манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш принципларидан келиб чиқади. Бундай ҳолатларда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганлиги сабабли, ҳар бир шахсга мустақил ҳимоя кафолатланиши зарурдир.

Давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган жиноят ишларида адвокатнинг иштироки шарт ҳисобланади. Чунки бу ҳолатларда айблов томони давлат манфаатларини ифодалайди ва процессуал жиҳатдан кучли мавқега эга бўлади. Айбланувчининг ҳуқуқлари ва манфаатларини тенг асосда ҳимоя қилиш учун профессионал ҳимоячининг иштироки зарур бўлади. Бу ҳолат Жиноят процессуал кодексига белгиланган адолатли судлов принципи талабидир.

Жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган жиноят ишлари бўйича адвокатнинг процессдаги роли муҳим ва ажралмас ҳисобланади. Чунки жиноят оқибатида зарар кўрган шахс – жабрланувчи баъзи ҳолларда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил равишда ҳуқуқий асосда илгари суришга лаёқатли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда адвокатнинг вакил сифатида иштироки жабрланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини амалга ошириш ва адолатли судловда тенг иштирок этишини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Жиноят-процессуал кодексига кўра,

⁶ <https://www.aclu.org/news/smart-justice/importance-sixth-amendment-right-counsel-capital>.

жабрланувчи процессуал мақомга эга бўлиши билан бирга ўз вакили орқали суд ва тергов органлари олдида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Агар бу вакил сифатида адвокат жалб этилса, у жабрланувчининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаб, далилларни тақдим этиш, даъволарни билдириш, ҳуқуқий хулоса бериш каби ваколатларни амалга оширади. Адвокатнинг малакаси ва мустақиллиги жабрланувчининг позитсиясини кучайтиради ва судлов жараёнининг адолатли кечишини таъминлаш учун асос бўлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги жинойт ишлари бўйича адвокатнинг иштироки шарт ҳисобланади. Чунки бундай ишлар, одатда, руҳий ҳолати бузилган ёки соғлиғи оғир тарзда ёмонлашган шахсларга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолатда шахс ўз ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил равишда ҳимоя қила олмайди, ҳатто қарорларнинг мазмунини тўлиқ англаб олишга ҳам қодир бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун Жинойт-процессуал кодексда ушбу тоифадаги ишлар бўйича ҳимоячининг иштироки мажбурий деб белгиланган. Адвокат бу ерда нафақат ҳуқуқий ҳимояни таъминлайди, балки инсон ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўймаслик, шахс эркинлигига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва тиббий чораларнинг қонуний асосда қўлланилишини назорат қилиш вазифасини ҳам бажаради. Бу ҳолатларда суд тиббий муассасага жойлаштириш, мажбурий даволаш, эркинликни чекловчи бошқа тиббий чораларни қўллаши мумкин.

Суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишлар бўйича адвокатнинг иштироки муҳим процессуал кафолатлардан биридир. Дастлабки эшитув = жинойт ишининг юритилишида асосий процессуал қарорлар қабул қилинадиган босқич ҳисобланади. Бу босқичда ишнинг мазмуни, айблов асослари, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари кўриб чиқилади, шунингдек, ҳимоя ва айблов томонлари ўз позитсияларини билдиради. Адвокатнинг дастлабки эшитувда иштироки айбланувчи ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга имкон беради, ноҳақ айблов ва процессуал хатоларни олдини олишга хизмат қилади. Шу боис, адвокат процессуал тенгликни таъминлаш ва адолатли судловни амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. Шу ҳолат бўйича Франция қонунчилигини таҳлил қилганимизда, Франциянинг жинойт-процессуал қонунчилиги адвокат иштирокини муҳим процессуал кафолат сифатида белгилайди. Франция Жинойт-процессуал кодексининг 114-моддасига кўра, тергов ва суд босқичида айбланувчи (*mise en examen*) адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Агар айбланувчи адвокат ёллай олмаса, суд томонидан унга давлат ҳисобидан адвокат тайинланади⁷.

Ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар иши бўйича адвокатнинг иштироки мажбурий ҳисобланади. Бундай жиноятлар инсон ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф соладиган оғир ҳуқуқбузарликлар қаторига киради. Шу сабабли, судлов жараёнининг ҳар бир босқичида айбланувчининг ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя қилиниши, процессуал кафолатларнинг максимал даражада таъминланиши талаб этилади. Адвокатнинг иштироки айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини амалга ошириш, суд жараёнида юридик ёрдам кўрсатиш, ноҳақ айблов ва процессуал хатоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бундан ташқари, оғир жазолар қўлланилиши мумкин бўлган ишлар бўйича адвокатнинг иштироки суд қарорининг қонунийлиги ва адолатли бўлишининг кафолати сифатида қаралади. Шунингдек, миллий қонунчилик ва хорижий тажриба кўрсатмоқдаки жумладан, Жиноят-процессуал кодекс ҳамда БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактида бундай ишлар бўйича адвокат иштирокининг мажбурийлиги белгиланган.

Шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш, шунингдек қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари кўриб чиқиляётганда адвокатнинг иштироки шарт ҳисобланади. Чунки ушбу процессуал қарорлар шахснинг эркинлигига бевосита таъсир кўрсатади ва инсон ҳуқуқларининг энг асосий жиҳатларидан бири – шахсий эркинликка алоқадордир. Адвокатнинг иштироки шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эҳтиёт чораларининг қонунийлиги ва адолатли қўлланилишини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний ва асоссиз қамоққа олиш ёки муддат узайтириш ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бу процессуал кафолат жиноят процессининг асосий тамойилларидан бири бўлган адолатли судлов ва ҳуқуқий ҳимоя принциплари билан боғлиқ, назаримизда.

Айбига иқrorлик тўғрисида келишув тузилган жиноят ишларида адвокатнинг иштироки муҳим процессуал кафолат ҳисобланади. Бундай келишувлар судлов жараёнини соддалаштириш ва тезлаштиришга хизмат қилса-да, уларнинг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлаш учун малакали ҳимоячининг иштироки зарур. Адвокат айбланувчи ва суд ўртасида тузиляётган келишув шартлари адолатли ва қонуний бўлишини таъминлайди, шунингдек, айбланувчининг ҳақиқий ихтиёри ва онгли розилиги билан келишувга келишини назорат қилади. Адвокатнинг иштироки келишувдаги ноҳақ шартлар,

⁷ https://www.legifrance.gouv.fr/codes/article_lc/LEGIARTI000048441851/2024-09-30/

шунингдек, шахснинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига зид бўлган ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Апеллятсия, кассатсия ва тафтиш инстансиялари суди томонидан кўриладиган жиноят ишларида ҳимоячи иштирок этиши шарт ҳисобланади. Ушбу инстансиялар судлов жараёнининг юқори босқичлари бўлиб, улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар яқуний ва судлов натижасига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳимоячининг иштироки суд жараёнининг қонунийлигини ва адолатли бўлишини таъминлаш, процессуал хатоликлар ёки инсон ҳуқуқларининг бузилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, апеллятсия, кассатсия ва тафтиш инстансияларида ишни қайта кўриш мураккаб ва техник жиҳатдан нозик бўлиши сабабли, малакали ҳимоячи юридик ёрдамни самарали тақдим этади.

ХУЛОСА

Жиноят процессида адвокат иштирокининг мажбурийлиги – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, хусусан, шахснинг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқини таъминловчи муҳим кафолатлардан биридир. Жиноят-процессуал қонунчилигида адвокат иштироки шарт этиб белгиланган ҳолатлар аниқ кўрсатилган бўлса-да, уларнинг амалий қўлланилиши, сифати ва назорати бўйича муайян муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, чекка ҳудудларда адвокат йетишмовчилиги, рақамли ҳимоя воситаларининг чекланганлиги ва давлат-ҳимоя тизимининг конструктив заифлиги муҳим амалий муаммолардан ҳисобланади.

Юқоридаги тўхталиб ўтган миллий қонунчилигимиз ва хорижий тажрибани таҳлил қилган ҳолда қуйидагиларни тақлиф қилишимиз мумкин:

биринчидан, суд жараёнларига адвокатни автоматик жалб қилиш тизимини жорий этишни тақлиф сифатида илгари сурмоқчиман. Адвокат иштироки мажбурий бўлган ҳолатларда ҳам баъзида уларнинг жалб этилмай қолиши амалиётда учрайди. Германия ва эстония тажрибасидан келиб чиқиб, электрон процессуал тизимлар орқали адвокатни автоматик тарзда суд жараёнига тайинлаш амалиётини жорий этиш керак. Масалан, эҳтиёт чора белгиланаётган, қамоққа олиш ёки айбга иқрорлик келишуви тузилган ишлар бўйича тизим автоматик равишда мутахассис адвокатни бириктириб, бу ҳолат суд ҳужжатларида акс эттирилади.

иккинчидан, адвокат мустақиллигини қонуний кафолатлаш ва уларни ҳимоя қилиш тизимини баҳолаш лозим. Айрим ҳолларда тергов ва суд органлари томонидан адвокатларга босим ўтказилиши, уларнинг ишига аралашиб ҳолатлари кузатилмоқда. Финландиядаги каби адвокатлар

фаолиятини мустақил равишда ҳимоя қилувчи орган ташкил этиш лозим. Бу тузилма адвокатларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар, босим ва тўсиқларни тезкор аниқлаш ва бартараф этиш ваколатига эга бўлиши керак. Шунингдек, адвокат фаолиятини кафолатловчи ҳуқуқий нормалар Жиноят процессуал кодексида алоҳида моддалар билан мустаҳкамланиши лозим.

учинчидан, процессуал ҳимоя сифати бўйича “фуқаро баҳоси” тизимини жорий этиш зарур. Фуқароларнинг адвокат хизматидан қониқиш даражаси ҳақида тизимли маълумот ёъқ, уларнинг фикри инобатга олинмаслик ҳолатлар кузатилмоқда. Протсесс якунида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчи адвокатнинг фаолияти ҳақида махфий электрон сўровнома тўлдиради. Ушбу сўровнома натижалари Адвокатлар палатаси ва назорат органларига йетказилади ва юридик ёрдам сифати, этик хулқ, фаол иштирок даражаси бўйича рейтинг шакллантирилади. Бу эса профессионал рақобат ва сифатни оширади. Канада давлати адвокатура фаолиятида “ **client feedback system** ” тизими мавжуд ҳисобланади.

тўртинчидан, Туркия қонунчилигини ўрганганимизда, тергов, прокуратура, суд ва адвокатура тизимлари ўртасидаги рақамли интегралсия адолатли, тез ва самарали йўлга қўйилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу электрон платформа УЯП деб номланади ва бу орқали адвокатлар ўз вазифаларини эркин, мустақил ва ҳуқуқлари таъминланган ҳолда бажариш имконига эга бўлмоқда. Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизга ҳам бу амалиётни жорий этиш зарур яъни тергов органларининг, судларнинг ва адвокатларнинг электрон платформаларини интегралсиялаш лозим, назаримизда.

REFERENCES

1. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // - Т.: ТДЮ нашриёти, 2021. – 248 бет
2. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти. Рустамбайев М.Х., Тухташева У.А. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012. – 384 бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: - Т.: Ўзбекистон.
5. [ҳтtps://www.lex.uz](https://www.lex.uz)
6. [ҳтtps://www.legifrance.gouv.fr/соdes/artisles_лс/ЛЕГИАРТИ000048441851/2024-09-30/](https://www.legifrance.gouv.fr/соdes/artisles_лс/ЛЕГИАРТИ000048441851/2024-09-30/)

7. [хттпс://www.охчр.орг/ен/инструментс-мечанисмс/инструментс/интернационал-совенант-сивил-анд-политисал-ригхтс](http://www.охчр.орг/ен/инструментс-мечанисмс/инструментс/интернационал-совенант-сивил-анд-политисал-ригхтс)
8. [хттпс://www.випо.инт/виполех/ен/легислатион/детайлс/18773](http://www.випо.инт/виполех/ен/легислатион/детайлс/18773)
9. [хттпс://www.аслу.орг/newс/смагт-жустисе/импортансе-сихтх-амендмент-ригхт-соунсел-сапитал](http://www.аслу.орг/newс/смагт-жустисе/импортансе-сихтх-амендмент-ригхт-соунсел-сапитал).